

Мавзу: Ер-сув ресурслари, инқироз шароитида улардан самарали фойдаланиш масалалари

РЕЖА:

1. Ердан, сувдан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар, уларни аниқлаш тартиби.
2. Ердан, сувдан фойдаланиш самарадорлиги, уни ошириш йўллари.
3. Ер мониторинги ва давлат ер кадастри.

Таянч иборалар: Таянч иборалар: Ер фонди, қишлоқ хўжалик ерлари, тупроқнинг сунъий ва иқтисодий унумдорлиги, самарадорлиги, ердан фойдаланишни коэффициенти ва иқтисодий самарадорлиги, ер мониторинги, кадастр, ернинг қийматини иқтисодий баҳолаш, сувдан фойдаланиш коэффициенти, суғориш тизими, улардан фойдаланиш коэффициенти, ер мониторинги.

1. Ердан, сувдан фойдаланиш даражасини ва самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар, уларни аниқлаш тартиби.

Ер, сув қишлоқ хўжалигининг энг асосий ишлаб чиқариш воситалари экан, улардан қандай фойдаланилганини билиш зарур. Бунинг учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин:

а) Умумий ер фондидан фойдаланиш коэффициенти (фоизда). Унинг даражасини аниқлаш учун қишлоқ хўжалигида ҳақиқатда фойдаланилган ер майдонини фойдаланиш мумкин бўлган ер майдонига тақсимлаш лозим. Буни қуйидаги тенглик ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$ЕФК = \frac{FE}{FME} \text{ ёки } ЕФК = \frac{FA}{FIA} \times 100\%$$

Бунда: ЕФК—умумий ер фондидан фойдаланиш коэффициенти, (фоизда);

FE—қишлоқ хўжалигида фойдаланилган ер майдони, га;

FME – фойдаланилиши мумкин бўлган ер майдони, га.

Бу кўрсаткич коэффициентда ёки фоизда аниқланиши мумкин. Уни аниқлаш натижасида ердан фойдаланишнинг тўлиқлик даражаси аниқланади. Уни ҳақиқий

даражаси, яъни коэффициенти 1 дан ёки 100 фоиздан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Бу кўрсаткични аниқлаш натижасида тармоқда (хўжаликда) қанча ердан фойдаланилган ва қанчасидан фойдаланилмаганлиги билинади. Шундан сўнг бундай ҳолнинг сабаблари аниқланиб, уларни бартараф этиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилади.

б) Сувдан фойдаланиш коэффициенти. У ҳақиқатда суғорилган майдонни шу сув билан суғорилиши мумкин бўлган майдонга тақсимлаш натижасида аниқланади. Бунинг учун қуйидаги тенгликдан фойдаланиш мумкин:

$$\text{СФК} = \frac{\text{СМ}}{\text{СММ}} \quad \text{ёки} \quad \text{СФК} = \frac{\text{СМ}}{\text{СММ}} \times 100\%$$

Бунда: СФК-сувдан фойдаланиш коэффициенти ёки фоизи;

СМ-ҳақиқатда суғорилган майдон, га;

СММ-суғорилиши мумкин бўлган майдони, га.

Буни аниқлаш натижасида сувдан фойдаланиш даражаси белгиланади. Бу кўрсаткични аниқлашда экинларга сув бериш меъёрига алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Чунки унга риоя қилинса, албатта, сувдан фойдаланиш даражаси юқори бўлади. Демак, унинг даражаси, яъни коэффициенти 1 дан ёки 100 фоиздан юқори бўлмаслиги лозим. Агарда юқори бўлса, унда экин майдонлари сифатли суғорилган бўлмайди.

в) Фойдаланиш мумкин бўлган ерлардан бир йилда неча марта фойдаланилганлик даражаси. Уни аниқлаш учун ҳақиқатда уруғ, чигит экилган майдонни мавжуд экин экилган ер майдонига тақсимланади. Бунда қуйидаги тенгликдан фойдаланиш мумкин:

$$\text{ЕФС} = \frac{\text{УЕМ}}{\text{ФМ}}$$

Бунда: ЕФС-ердан фойдаланиш сони, яъни 1 га майдондан неча марта фойдаланилганлик сони;

УЕМ- бир йил мобайнида уруғ, чигит экилган майдон, га;

ФМ- фойдаланилган ер майдони, га;

Бу кўрсаткич ёрдамида бир майдонга неча марта экин экиб, фойдаланилганлик даражаси, яъни сони аниқланади. Демак, унинг сони бирдан кўп бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун мавжуд бўлган ерлардан бир неча марта экин экиб, ҳосил олишга интилиш лозим.

г) Ер (екин) майдонларининг маҳсулдорлиги, ҳосилдорлиги. Бу кўрсаткич асосан экин турлари ҳамда умумий майдон бўйича, натурал ҳамда қиймат кўринишларида аниқланади, яъни улар 1 гектар фойдаланилган майдондан қандай маҳсулотларни қанча миқдорда (кг, сен, тонна) ҳамда неча сўмлик маҳсулот ёки фойда олинганлиги аниқланади. Бунинг учун қуйидаги тенгликдан фойдаланиш мумкин:

$$EX = \frac{YX}{EM}$$

Бунда: EX- 1 га экин майдонидан олинган ҳосил миқдори ва қиймати (сент,сўм)

YX- экин экилган майдондан олинган ялпи ҳосил миқдори, ёки қиймати (тонна, минг сўм)

EM- экин экилган ҳақиқий майдон, га.

Бу кўрсаткич ёрдамида 1 гектар экин экилган майдондан қанча миқдорда ҳосил олинганлиги экин турлари бўйича алоҳида-алоҳида аниқланади. Унинг миқдори қанча кўп бўлса шунча яхши. Бу кўрсаткич у ёки бу экин экилган майдоннинг маҳсулдорлигини исботлайди. Жами экин майдонлари маҳсулдорлигини аниқлаш учун кўрсаткични қуйидаги қиймат кўрсаткичларида аниқлаш, бунинг учун ҳар бир экиннинг ялпи ҳосили қийматини аниқлаб олиш лозим. Сўнгра уларнинг йиғиндисини аниқлаш керак.

$$EM = \frac{YMK}{EM} = \frac{YDK}{EM} = \frac{CF}{EM}$$

Бунда: EM- фойдаланилган ерларнинг маҳсулдорлиги. Яъни, бир гектар экин экилган ёки яйлов, пичанзор майдондан неча сўмлик ялпи маҳсулот, ялпи даромад ҳамда соф фойда олинганлиги аниқланади;

YMK- олинган ялпи маҳсулот қиймати, сўмда;

EM- экинлар экилган майдон, га;

YDK- олинган ялпи даромад суммаси;

CF- олинган соф фойда суммаси.

Тупроқнинг банитет баллидан фойдаланиш самарадорлиги. Бу кўрсаткич тупроқнинг унумдорлигини ифодаловчи банитет баллининг қобилиятдан фойдаланиш самарадорлигини ифодалайди. Уни бир гектар ердан ҳосил миқдорини ёки ҳосил қийматини шу гектарининг банитет баллига тақсимлаш натижасида аниқлаш мумкин. Бунинг учун қуйидаги тенгликдан фойдаланиш мумкин:

$$ББС = \frac{ХМ}{ББ} ёки \frac{ХК}{ББ};$$

Бунда: ББС-тупроқнинг банитет баллининг самарадорлиги.

ББ-ўша гектарнинг банитет балли миқдори.

Шу тенглик ёрдамида 1 банитет балл эвазига қанча миқдорда ёки сўмда у ёки бу маҳсулот йетиштирилганлигини аниқлаш мумкин. Бу кўрсаткичнинг миқдори юқори бўлгани мақул.

д) Сувдан фойдаланиш самарадорлиги. Бу кўрсаткич ёрдамида ҳар бир метр куб сув эвазига олинган ялпи маҳсулот миқдори, қиймат, даромад ва соф фойда суммаси қуйидаги тенглик ёрдамида аниқланади:

$$C\Phi C = \frac{ЯХ}{\Phi CM}; \frac{ЯМ}{\Phi CM}; \frac{\Phi}{\Phi CM}$$

Бунда: СФС-сувдан фойдаланиш самарадорлиги;

ФСМ-фойдаланилган сув миқдори. Бу натура ҳамда қиймат кўринишида аниқланади. Бунда 1 м³ сувдан фойдаланиш натижасида қанча миқдорда пахта, ғалла ва бошқа маҳсулотлар йетиштирилганлиги ҳамда неча сўмлик ялпи маҳсулот ва ялпи даромад, соф фойда олинганлиги аниқланади.

е) Суғориш системаси (тизими)дан фойдаланиш коэффициенти. Унинг даражасини аниқлаш учун шу тизимнинг охирида экинларни суғориш мақсадида берилган сув миқдорини шу тизим бошида олинган сув миқдorigа тақсимлаш зарур. Бунда қуйидаги тенгликдан фойдаланиш мумкин:

$$CT\Phi K = \frac{CTOEBC}{CTBOCM}$$

Бунда: СТФК – суғориш системаси (тизими)дан фойдаланиш коэффициенти;

СТОЕБС – суғориш тизимининг охирида экинларга берилган сув миқдори;

СТБОСМ – суғориш тизимининг бошида олинган сув миқдори.

Бу кўрсаткич даражаси ёки коэффициенти 1 га интилиши керак. Чунки суғориш системасининг бошида олинган сув экин майдонларига тўлиқ етказилиши лозим. Агар унинг даражаси паст бўлса, демак, сувнинг маълум миқдори тизим давомида ёки парланган ёки тупроққа сизиб кетган ёки оқиб кетган бўлиши мумкин. Бу кўрсаткич системанинг ҳолатини ҳам исботлайди.

Юқорида кўрсатилган кўрсаткичлар тизимидан фойдаланган ҳолда тармоқда ёки қишлоқ хўжалик субъектларида ердан ҳамда сувдан фойдаланиш даражасини ҳамда самарадорлигини аниқлаш натижасида уларнинг фаолиятини тўлиқ таҳлил қилиш мумкин. Шундан сўнг ер ва сув ресурсларидан истиқболда фойдаланиш чора-тадбирларини асосланган ҳолда ишлаб чиқиш мумкин.

2. Ердан, сувдан фойдаланиш самарадорлиги, уни ошириш йўллари

Ер-сув – умуммиллий бойликдир. Ўзбекистон Республикаси халқи ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигининг асоси сифатида улардан оқилона ҳамда самарали фойдаланиш зарурлиги «Ер кодекси» да, «Сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунда алоҳида таъкидланган. Республика ҳудудидаги барча корхоналар, фуқаролар бу қонуний талабни бажаришлари шарт. Шунинг учун улар тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишга, сувни ифлос қилмасликка, шунинг негизидан улардан талаб даражасида самарали фойдаланишга катта эътибор беришлари лозим. Шу маъсулиятни ҳис этган ҳолда қишлоқ хўжалик корхоналари уни ижобий ҳал этишга, фойдаланиш мумкин бўлган майдонлардан тўлиқ ва самарали фойдаланишга интиломқдалар. Республика қишлоқ хўжалигида 2010 йилнинг

бошига 21453.2 минг. га ердан фойдаланишга эришилган. Шу ерлардан турли мақсадларда фойдаланилмоқда. энг асосий мақсад аҳолининг озиқ-овқат, саноатнинг эса хомашё маҳсулотларига бўлган талабини қондириб давлатнинг иқтисодий ҳавсизлигини таъминлаш. Бунинг учун 4054,5 минг гектар (2009 й) майдонга турли хилдаги экинлар экиб, улардан юқори ҳосил олишга ҳаракат қилинмоқда

Республикада экин экилаётган майдон йилдан-йилга камайиб бормоқда. Бундай ҳол экинзорларни, аҳолига тураржойларни қуриш, саноат, суғориш иншоотларини барпо этиш учун ажратилиши оқибатида юз бермоқда. Бу объектив жараён келажакда ҳам юз беради. Шунинг учун ҳам мавжуд ерлардан йил давомида оқилона, самарали фойдаланиш зарур. 1993-2009 йилларда республиканинг умумий экин майдони 620.0 минг гектарга ёки 17,7 фоизга қисқарган. Лекин шу даврда ғалла майдони салкам 330,4 минг гектарга кўпайган. Бу ғалла ҳосили кўпайишига ижобий таъсир этди. Ғалла майдонининг кенгайиши асосан пахта ҳамда озуқа экинлари майдонлари камайиши эвазига таъминланган. Шу даврда пахта экиладиган майдон 278,6 минг гектарга, озуқа экинлари экиладиган майдон эса 689,3 минг гектарга қисқарган. Шу майдонлардан маълум қисми юқоридаги йўналишларга берилган. Бу ўзгаришлар Республика резиденти тамонидан экин майдонларининг таркибини ўзгартиришга қаратилган тадбирларни амалга ошириш натижасида амалга оширилмоқда. Масалан, Республика президентининг 2008-йил 20-октябрдаги ПФ-4041сонли фармонида биноан пахта экилган майдон 2009-йилда 75.8минг гектарга камайтирилиб шу ерларда қўшимча ғалла, сабзавот, картошка ҳамда мойли техника экинларини экиш кўрсатилган. Пахта майдонининг қисқартирилиши натижасида пахта яккахокимлиги баргараф этилди. Лекин озуқа экинлари майдонларининг қисқартирилиши амалда алмашлаб экиш тартибининг бузилишига олиб келди ҳамда чорва ҳайвонларининг мустаҳкам эм-хашак базасини барпо этишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу боис келажакда ердан фойдаланиш самарадорлигини юксалтириш учун алмашлаб экишни жорий этишга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида Республика ҳукумати, қишлоқ хўжалик корхоналарининг барча раҳбарлари экинлар экилаётган ерлардан тўлиқ ва самарали фойдаланишга барча хўжаликлар алоҳида эътибор бермоқдалар. Бу ҳаракат ижобий натижалар бермоқда. Натижада ХХИ асрининг биринчи ўн йиллиги давомида қишлоқ хўжалигида йетиштирилаётган маҳсулотларнинг миқдори йил сайин ошиб бромган.

Бундай ўсиш вилоятлар ҳисобига таъминланган. Республикада йетиштирилаётган ғалланинг асосий қисмини Қашқадарё(13.4%), Фарғона (10.9%), Самарқанд (10.9%), Бухоро (8.8%), Андижон (8.4%) ва Тошкент (8.3%) вилоятларида йетиштирилган. Шу вилоятларда ғалла ҳосилдорлиги сезиларли даражада ошган. Масалан Қашқадарё вилоятида 2000-2008-йилларда ғалла ҳосилдорлиги 2.5марта, Фарғона вилоятларида эса 1.7марта Самарқанд вилоятида 1.6марта ошган. Республикада картошка, сабзавот ҳамда мева дарахтларининг ҳам

ҳосилдорлиги ошган. Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигининг ошиши ердан фойдаланиш самарадорлиги юксалишини таъминланган. Республикада ҳар гектар қишлоқ хўжалик еридан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги 1998-2008 йиллар мобайнида ошган (5.4.3-жадвал). Ҳақиқатда эса шундай даражада бўлмаслиги мумкин. Чунки унга баҳоларнинг ошиши ҳам бевосита таъсир кўрсатган.

Ер ва сувдан фойдаланиш самарадорлигини экинларнинг ҳосилдорлигини ҳамда бир гектар қишлоқ хўжалик ерларидан олинаётган ялпи маҳсулот қиймати ифодалайди. Шу йиллар давомида мамлакатда пахта ҳосилдорлиги 10%га, ғалла ҳосилдорлиги 82.6%га ошган. Бир гектар қишлоқ хўжалик ерларидан олинган ялпи маҳсулот қиймати ҳақиқий нархларда салкам 7.4мартага ошган. бу ҳақиқий баҳоларда бўлганлиги учун шундай ўсган. Республика қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ирригация-мелиорация тадбирларининг ўрни ва аҳамиятини Вазирлар Маҳкамасининг 2008-йил феврал ойидаги мажлисида Республика президенти қуйидагиларни таъкидлаган: “бугунги кунда мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш масаласи суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини ошириш бўйича ўта муҳим вазифани ҳал этиш билан бевосита боғлиқ. Бу вазифа 2008-йил ва ундан кейинги йилларда биз учун асосий устувор йўналиш бўлиши зарур.”^{1[15][15]} Республика учун ўта муҳим ҳисобланган бу масалани амалиётга тадбиқ этиш мақсадида Президентнинг 2007-йил 29-октабрда “ерларнинг мелиоратив ҳолатларини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари ҳақида”ги фармон қабул қилган. Шунга асосан 2007-йил 31-октабрида Молия Вазирлиги ҳузурида “суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича жамғарма фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорни қабул қилди. Шунга биноанирригация – мелиорация тадбирларини амалга оширишга 70млрд сўм давлат бюджетидан сарфланган. Республикада ирригация мелиорацияни янада ривожлантириш мақсадида, 2010-2014йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича давлат дастури ишлаб чиқилди. Сўнгги йилларда Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва бошқа ташкилотлар республикада ирригация ва мелиорация тадбирларини ривожлантиришга ўз ҳиссаларини кўшмоқдалар. Дастурдаги тадбирларни амалга ошириш учун давлат бюджетидан 130млрд сўм сарфлаш белгиланган. Шу борадаги тадбирлар 2013-2014йилларда ҳам амалга оширилмоқда. “Яна бир устувор йўналиш-ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш дастурини амалга ошириш доирасида 2010-йилда 840км коллектор – дренаж тармоқлари, 250та дренаж қудуқлари, 15та мелиорация станциялари ва иншоатлари қурилди, ҳамда реканструксия қилинди. Ўтган йили ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга – 130млрд сўм маблағ йўналтирилган. Натижада 240минг гектардан ортиқ суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати

^{1[15][15]} Президент Каримов И А 2007-йилнинг асосий яқунлари ва 2008-йил Озбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи 2008-й 16феврал

яхшиланди ва бу қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини фермер хўжаликларининг даромадларини ошириш имконини берди.”^{2[16][16]} деб Вазирлар Маҳкамасининг 29-январ куни ўтказилган мажлисидаги нутқида таъкидлаган. Республикада ер сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган бошқа тадбирларнинг ҳам таъсири бўлган. Лекин тармоқда ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги ҳозирги даврда ошиб бораётган талабга тўлиқ жавоб беради.

Бундай ҳолнинг энг асосий сабаби бўлиб суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини талабга тўлиқ жавоб бермайдиган ҳолатдалиги ҳисобланади.

Рақамлардан маълум бўлишича 2010-йилнинг 1-январига 4301.5минг га суғориладиган ерларнинг 2135.8минг гектар ёки 49.6% у ёки бу даражада шўрланган ҳисобланади. Шундан 884.8минг га ёки 24.1% ўртача ҳамда ўта шўрланган ерлардир. Шўрланган ерларнинг 670минг гектарга яқини ёки 31.2% қуйи амударё воҳасида, 535минг гектари Мирза Чўл худудида, 355.3минг гектари 16.6% Зарафшон воҳасида жойлашган. Суғориладиган ерларнинг шўрланганлиги муносабати билан тупроқнинг сифати ҳам паст. Бу ҳудудларда аксарият суғориладиган ерларнинг шўрланганлиги муносабати билан экинларнинг ҳосилдорлиги анча паст. Масалан, 2008-йилда мамлакат бўйича 1гектар буғдой экилган майдондан 44.4сент. ҳосил йетиштирилган бўлса, Қорақолпоғистон Республикасида 26.7сент. ёки Жиззах вилоятида 29.4сент. Сирдарё вилоятида эса 38.4сент. олинган. Демак ҳудудларда асосий экинларнинг ҳосилдорлиги Республикадагига нисбатан анча паст. Бизнинг ҳисоб-китобимизга кўра ерларнинг шўрланганлиги муносабати билан экин майдонларининг ҳозирги таркибига кўра 705минг тоннага яқин ғалла, 423минг тоннача пахта ҳомашёси кам йетиштирилмоқда. Ерларнинг ирригацион-мелиоратив ҳолатини ёмонлашганлиги эвазига қишлоқ хўжалик экинларининг ялпи ҳосилини камайишига йўл қўймаслик керак. Ер-сув ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш учун бир қанча ташкилий, иқтисодий тадбирларни амалга ошириш лозим.

Даставвал қишлоқ хўжалик ерларини ундан фойдаланувчилар ихтиёрига узок муддатга фойдаланиш учун бериш масаласини тўлиқ ҳал этиш зарур. Бунинг учун қишлоқ хўжалик ерларини танлов асосида юридик шахс мақомига эга бўлган фермер ва деҳқон хўжаликларига қишлоқ хўжалик йили бошланишидан олдин, яъни январ, феврал, март ойларида ҳамда кузги экинларни экишдан олдин, яъни июн, июл, август ойларида 50 йилгача бўлган муддатга беришни йўлга қўйиш лозим. Ҳозирги даврда бу масала тўлиқ эчилмаган.

Ширкат хўжаликларида қишлоқ хўжалик экинлари экиладиган ерларни пудратчиларга бир йилга эмас, балки камида алмашлаб экишни жорий этиш муддатига фойдаланиш учун ижарага бериш мақсадга мувофиқдир. Бу ердан фойдаланувчи ижара пудратида ишлайдиган фуқароларда тўлиқ ишончни

➤ Каримов И.А. Асосий вазифамиз-Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш. Халқ сўзи 2010-йил. 30-январ.

шакллантиради. Сўзсиз, бу ҳол, ердан фойдаланишга бўлган муносабат ижобий томонга ўзгаришини таъминлайди.

Шулар билан биргаликда иқтисодий унумдорлигини ошириш мақсадида ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилашни таъминловчи тадбирларни комплекс амалга оширишни ривожлантириш жуда муҳим муаммо ҳисобланади. Бу муаммони эчишда давлат бош ижрочи бўлиши лозим. Ҳозирги вақтда бу тадбирлар 27-30 минг га да амалга оширилмоқда. Бу, сўзсиз, камдир. Агарда бу муҳим тадбир қишлоқ хўжалик корхоналарига тўлиқ юкланса, бажарилмаслиги муқаррар. Чунки уларнинг техник, иқтисодий қуввати этмайди. Давлатнинг эса техник, иқтисодий имконияти улкан. Хўжаликлар ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилашда ирригация ва мелиорация давлат ҳиссадорлик ташкилотлари хизмат қилиб, улардан ўз ҳақларини олишни таъминлайдиган иқтисодий муносабатларни йўлга қўйиш лозим.

Ер-сув ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини юксалтириш учун ер-сув муносабатларини такомиллаштириш, чуқурлаштириш, яъни либераллаштириш масалаларини ҳал этишни тезлаштириш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун ер ва сувнинг баҳоларини ва улардан фойдалаганлик учун тўланадиган ҳақларни, солиқлар миқдорини реалроқ аниқлаш лозим. Бунда бозор иқтисоди қонунлари талабларига асосланиш, шунингдек, ер ва сув ресурсларининг чекланганлиги, такрор ишлаб чиқарилмаслиги, ҳолати, сифати, истеъмолчиларга узоқ-яқинлиги, ишлаб чиқариш воситалари ҳамда инфратузилмалар билан таъминланганлиги, олинаётган маҳсулот, фойда суммаси каби индикаторларни ҳам эътиборга олиш зарур.

Ерлардан, сувлардан тўлиқ ва самарали фойдаланиш учун:

- ер-сув ислохотларини қонунлар асосида яхши ўтказиш, уларни фойдаланувчиларга бериш, сотиш;
- захланиб, шўрланган ерларда ирригация ва мелиорация тадбирларини вақтида сифатли ва тизимли амалга ошириш;
- янги, самарали техникаларни, илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш;
- илмий ва амалий жиҳатдан асосланган алмашлаб экишни тиклаш;
- экологияга салбий таъсир кўрсатмаган ҳолда кимёвий воситалардан оқилона фойдаланиш;
- селекция, уруғчиликни, агротехник тадбирларни сифатли амалга ошириш;
- ишчи ва хизматчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этиш;
- ер ва сув муносабатларини такомиллаштириш ва эркинлаштириш лозим.
- Инвестицияларни кенг жорий этишга эришиш лозим.

3. Ер мониторинги ва давлат ер кадастри

Янги асрда ёш, мустақил, келажаги порлоқ ва буюк республикамиз тинчликка, демократияга асосланган ҳолда сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий жиҳатдан ривожланган давлатлардан бирига айланиши муқаррар. Бунинг учун эса у ўз ҳудудидаги барча бойликлардан оқилона, самарали фойдаланиши лозим, шу жумладан, ер-сув ресурсларидан ҳам.

2010 йилнинг бошида республикамизнинг жами ер майдони 44410.3 минг гектардан иборат. Ер мамлакатимизнинг умумий бойлиги эканлиги Республика Конституциясида ва «Ер кодекси»да алоҳида таъкидланган. Ер -халқимиз ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигининг асосидир. Ундан фақат бугунни эмас, келажак авлодларнинг ҳам манфаатларини кўзлаб, илмий асосланган ҳолда, оқилона, самарали фойдаланиш, уни муҳофаза этиш умуммиллий долзарб масала ҳисобланади. Ўта муҳим бу вазифа ҳал этилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2000 йилнинг 23 декабрида «Ер мониторинги тўғрисидаги Низом»ни тасдиқлади. Ер мониторинги республика ер фондидаги барча ўзгаришларни ўз вақтида илмий асосланган ҳолда аниқлаш, ерларга тўлиқ баҳо бериш (сифат ҳамда иқтисодий жиҳатдан), уларга таъсир этувчи салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини изчил тугатиш мақсадида ернинг ҳолатини кузатиб бориш билан боғлиқ бўлган ахборотлар тизимидан иборатдир. Республикаимизнинг барча ерлари мониторинг объекти ҳисобланади.

Ер мониторинги Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги геодезия, картография ва давлат кадастри бош бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, республикадаги бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг бевосита иштирокида амалга оширилади.

Низомда вазирликлар ва идоралар фаолиятини ва ер мониторинги маълумотларини умумлаштиришдек муҳим вазифа Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси зиммасига юклатилган. Демак, юксак давлат аҳамиятига молик бўлган вазифани муваффақиятли ҳал этишда қўмита таркибидаги барча идоралар, ташкилотлар фаол қатнашишлари зарур. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда «Ўздаверлойиха» институтининг Ер кадастри шўъба корхонаси ер мониторинги амалга оширилишини таъминлашга қуйидаги йирик масалаларни ҳал этиш билан ҳисса қўшишни режалаштирмоқда: қишлоқ хўжалик ерлари тупроқ мониторингини амалга ошириш учун тупроқшунослик тадқиқотларига оид тўпланган барча маълумотларни умумлаштириб, мониторинг тадқиқотларини олиб бориш мақсадида республика, вилоятлар ҳамда туманлар ҳудудида асосий майдонларни ташлаш ва уларни асослаш; вақт ўтиши билан тупроқларнинг асосий хусусиятлари ўзгарганлигини исботловчи маълумотларни теран ва тўлиқ таҳлил этиш; тадқиқот олиб бориладиган асосий ҳамда экологик майдонларда тупроқларнинг ҳолатини

исботловчи кўрсаткичлар мажмуасини асослаш, ташкил этиш ҳамда юритиш; тупроқнинг ҳолатини кузатиш, унга оид маълумотларни сифатли тўплаш ҳамда уларга ўзгартиришлар киритиш керак. Бунинг учун қишлоқ хўжалик ерлари тупроқларини сув ва шамол ерозияси таъсири оқибатида ўзгариши мониторинги; қишлоқ хўжалик ерлари тупроқлари шўрланганлик даражасининг ўзгариш жараёни мониторинги; қишлоқ хўжалик ерлари тупроқлари оғир металллар билан захарланганлик ҳамда захарланганлик даражасининг ўзгариши мониторинги; қишлоқ хўжалик ерлари тупроқларининг техноген ўзгариши мониторинги; нефт маҳсулотлари салбий таъсири натижасида тупроқларнинг ифлосланиши мониторинги; барча ўсимликларнинг оғир металллар билан захарланиш даражаси мониторинги; қишлоқ хўжалик ерлари тупроқларининг гербицит ва пестицидлар билан захарланиш даражаси мониторинги; минерал ўғитлардан фойдаланиш натижасида тупроқлар таркибидаги ўзгаришлар мониторинги амалга оширилади.

Илмий ҳамда амалий жиҳатдан муҳим ҳисобланган бу ишларни ўз вақтида, сифатли бажариш учун малакали мутахассисларга эгамиз. Лекин, бу борада кўзланган мақсадга эришиш катта маблағни талаб этади. Бу маблағ эвазига эса корхонанинг моддий-техника таъминоти барпо этилиши ҳамда ривожлантирилиши лозим.

Ер мониторинги ер таркибидаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, ерларга баҳо бериш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини тугатиш учун ер фондининг ҳолатини кузатиб туриш тизимидан иборат. Давлат ер кадастри юритишни, ердан фойдаланишни, ер тузишни, ер фондидан белгиланган мақсадда ва оқилона фойдаланиш устидан давлат назоратини амалга оширишни, ерларни муҳофаза қилишни ахборот билан таъминлаш ер мониторинги асосида амалга оширилади.

Давлат ер кадастри ерларнинг табиий, хўжалик ва ҳуқуқий режими, уларнинг тоифалари, сифат кўрсаткичлари ва баҳоси, ер участкаларининг жойлашган манзили ва ўлчамлари, уларни ер эгаларига, ердан фойдаланувчиларга, ижарачиларга ҳамда мулкдорларга тақсимлаш тўғрисидаги зарур, ишончли маълумотлар ва ҳужжатлар тизимидан иборат. Давлат ер кадастри ер муносабатларини тартибга солиш, ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, ер тузишни ташкил этиш, ер учун тўланадиган ҳақ миқдорини асослаш, хўжалик фаолиятига баҳо бериш мақсадида барча ташкилот, корхоналарда фуқароларни ер тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлашга мўлжалланган. Давлат ер кадастри ернинг қийматини (баҳосини) аниқлашни тақозо этиб, ўз ичига олган бўлади. Давлат ер кадастрининг маълумотлари ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишда, ер участкалари бериш (сотишда) ва уларни олиб қўйишда, ер учун тўланадиган ҳақ миқдорини белгилашда, ер тузиш ишларини ўтказишда, хўжалик фаолиятига баҳо беришда ҳамда ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан бошқа тадбирларни амалга оширишда мажбурий тартибда татбиқ этилади. Давлат ер кадастри бутун республика учун ягона тизим

асосида давлат бюджети маблағлари ҳисобидан давлат ер кадастри ва ер тузиш хизмати органлари (Давлат ер қўмитаси) томонидан юритилади.

Демак, ер кадастри қуйидагилардан ташкил топади:

- ердан фойдаланувчилар;
- ер майдони, унинг таркиби, сифати;
- ерни иқтисодий баҳолаш.

Ерларни иқтисодий баҳолаш бир қанча иқтисодий муҳим масалаларни ҳал этишга қаратилган бўлиши лозим. энг аввало, ер умумхалқ, давлат мулки сифатида баҳоланиши мақсадга мувофиқдир. Шунда мамлакат миллий бойлигининг таркиби–ернинг қийматини, улушини аниқлаш имконияти яратилади. Шунинг билан биргаликда ернинг асосий восита сифатида баҳоланиши ҳам ҳал этилиши лозим. Юқоридаги муаммоларнинг ҳал этилиши бозор иқтисодиёти шаклланаётган Ўзбекистонда ҳам ер муносабатларини такомиллаштиришга муайян ҳисса қўшиши мумкин.

Республикада қишлоқ хўжалик ерларининг қийматини баҳолаш мақсадида 1998 йилда «Услубий қўлланма» ишлаб чиқилган. Унда суғориладиган ерларнинг меъёрий қийматини аниқлаш тартиби батафсил ёритилган.

Суғориладиган ерларнинг қийматини аниқлаш учун:

- барча суғориладиган майдонларнинг тупроқлари турлари бўйича, уларнинг барча хусусиятларини, ҳолатини эътиборга олган ҳолда бонитировка қилиниб, бонитет балли ишлаб чиқилди. Барча хусусиятлари бўйича энг унумдор, яхши тупроқ 100 балл қилиб белгиланган. Айрим хусусиятларини (шўрланганлик, тошлоқ, ерозия) эътиборга олган ҳолда тупроқнинг банитет балли пасайиб боради; бу ҳол тупроқнинг табиий унумдорлигини ифодалайди;

- табиий унумдорликка асосланган ҳолда иқтисодий омиллар (инвестицияларни амалга ошириш натижасида меҳнат маблағ, техника) таъсирида йетиштирилиши мумкин бўлган маҳсулотнинг меъёри аниқланган. Барча омиллардан оқилона фойдаланиш натижасида 1 балл 40 кг. пахта хомашёсини етиштириш қобилиятига эга эканлиги ҳисоб-китоблар асосида аниқланган. Демак, маҳсулот етиштириш билан боғлиқ бўлган барча омиллар меъёр доирасида бўлса, у тупроқнинг 1 балли 40 кг. пахта етиштириш имкониятига эга экан.

- қишлоқ хўжалигининг жойлашишини, ихтисослашишини эътиборга олган ҳолда 1га-га, 1 с-га сарфланиши мумкин бўлган харажатлар меъёри ишлаб чиқилган;

- тупроқнинг иқтисодий унумдорлигига асосланган ҳолда ишлаб чиқарилиши лозим бўлган маҳсулотларнинг миқдори, уларни сотиш каналлари бўйича ўртача сотиш баҳоларини эътиборга олган ҳолда меъёрий ялпи маҳсулот қийматини аниқлаш тартиби кўрсатилган.

- юқоридагиларга асосланган ҳолда ҳар бир гектар суғориладиган майдондан олиниши мумкин бўлган соф фойда миқдорини аниқлаш тартиби ҳам кўрсатилган. Шуларга асосланган ҳолда 1 гектар суғориладиган ернинг баҳосини (қийматини) ушбу формула ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$EK = \frac{СФМ \times K}{СФ}$$

Бунда: EK- 1 га ернинг қиймати (сўмда);

СФМ- олинадиган соф фойда меъёри (сўмда);

K- ерларнинг ҳолатларини ифодаловчи коэффициент;

СФ- банк ссуда капиталининг йиллик фоизи (фоизда).

Шу формуладан фойдаланган ҳолда хўжаликнинг 80 баллга эга бўлган 1 гектар ери баҳосини аниқлаш керак бўлса, шу бир гектар ердан олиниши мумкин бўлган ялпи маҳсулот қийматидан меъёрий харажатлар суммасини айириб, олиниши мумкин бўлган соф фойда суммаси аниқланади. Бу майдон кам шўрланган, ундан 25 сентнер пахта ҳосили олиш мумкин, дейлик. Агарда ҳар бир тонна пахта 2009 йил харид баҳоларида 510.6 минг сўмга сотилса, унда 1гектар майдондан 276.5 минг сўмлик (2,5тх510,6) ялпи маҳсулот олиш мумкин. Ҳар бир тонна пахта хомашёсини етиштириш учун 394,0 минг сўм харажат қилинадиган бўлса, шу майдондан 291.5 минг сўмлик соф фойда олиш мумкин. Банк ссуда капиталининг йиллик фоизи 14 фоиз бўлса, 1 га ернинг қиймати:

$$EK = \frac{291 \times 0,85}{14,0} \cdot 100 = 1769,8 \text{ минг сўмга тенг бўлар экан.}$$

Агарда шу майдон ҳар томомлама яхши бўлса (К-1.), унда унинг қиймати 2082.1 минг сўмга тенг бўлади. Ер майдони кам шўрланганлиги учун унинг қиймати 321.3(2082.1-1769.8)минг сўмга юқори бўлиши керак.

Лекин ер ресурсларининг чекланганлиги ва уларга нисбатан бозор талаби оша бориши натижасида уларнинг қиймати янада юқори бўлиши мумкин. Шундай тартибдан фойдаланган ҳолда ширкат хўжаликларининг суғориладиган ерлари қиймати аниқланиб, улар хўжаликнинг «пай фонди» таркибига қўшилмоқда.

Лекин келажакда иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнида ерларнинг қийматини аниқлаш тартибини такомиллаштириш лозим. Бунда ер рентасига алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқ. Чунки давлат мулкнинг эгаси сифатида мутлақ ер рентасини олиши, дифференциал ренталар эса ер эгаси билан ундан фойдаланувчилар ўртасида тақсимланиши лозим. Шу билан биргаликда бозор шароитида ерга бўлган талабни ҳам эътиборга олиш зарур.

Давлат ер кадастрини юритиш топография – геодезия, картография, тупроқ, агрокимё, геоботаника жиҳатидан ва бошқа йўналишда текшириш ва изланишлар олиб бориш, ерларни ҳисобга олиш ва уларга баҳо бериш, ер эгаларининг, ердан фойдаланувчиларнинг, ижарачиларнинг ҳамда мулкдорларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини рўйхатга олиш билан таъминланади. Ер мониторинги ва давлат ер кадастри «Ер кадастри» қонуни асосида амалга оширилади.

Давлат мулкни уни тасарруфидан чиқариш натижасида акционерлик, пайчилик мулкларига биргаликда эгалик қилиб, ишлаб чиқаришни ташкил этувчилар тадбиркорлардир. Улар бозор иқтисодиётига хос бўлган, аввал бизда мавжуд бўлмаган янги масалаларни, муносабатларни мукамал билишлари лозим.

Даставвал улар мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тартибини яхши билишлари зарур. Шунинг билан биргаликда акциялар, уларнинг турларини, мазмунини қандай қилиб акциядорларга берилишини, сотилишини ҳамда дивидентларини аниқлашни билишлари лозим. Пайларни аниқлашни, уларни пайчиларига етказишни шу билан боғлиқ бўлган муносабатларни амалга ошириш қобилиятларига эга бўлишлари зарур. Ҳозирги даврда ташкил этилаётган акциядорлик, пайчилик, мулкчиликка асосланган хўжаликларнинг ҳар бир мутахассиси юқоридаги масалаларни бажара олиш имкониятларига эга эмаслар. Бу масалаларни муваффақиятли ҳал этиш учун шу тадбиркорларнинг билимларини ошириш ишларини ташкил этиш лозим. Шу билан биргаликда мулкчилик шакллари ташкил этишни таъминлайдиган қўлланмаларни ишлаб чиқиб, уларни амалиётда синаб, тадбиркорларга етказиш зарур.

Қишлоқ хўжалигида суёт суръатлар билан қўшма мулкчиликка асосланган тадбиркорлик корхоналари ташкил этилмоқда. Улардаги раҳбар тадбиркорлар ташқи иқтисодий муносабатлар амалга оширилишининг контрактларини, инвестиция сиёсатини, тартибини, маҳсулотларнинг даромадларини ўзаро тақсимлаш билан боғлиқ бўлган масалаларни билишлари зарур. Улар ички ҳамда ташқи бозорнинг ҳолатини, маълумотлар, рекламалар ҳамда бошқариш санъатини ҳам эгаллашлари керак. Бу тоифадаги тадбиркорлар аввалгиларига нисбатан анча малакали, билимдон, уддабурон бўлишлари лозим.

Юқорида таъкидланганлардан кўриниб турибдики, республикамиз қишлоқ хўжалигида тадбиркорликнинг турли шакллари ташкил топмоқда. Улар қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ижобий ҳисса қўшмоқдалар. Лекин, улар ўз фаолиятларини амалга оширишда анчагина қийинчиликларга учрамоқдалар. Масалан, ташкилий, ҳуқуқий, ижтимоий ҳамда иқтисодий масалаларни ҳал этиш борасида. Чунончи, ерларни олишда, тадбиркорлик шакллари ташкил этишда, кредит олишда, маҳсулотларини сотишда, улар учун ҳақ олишда мушкулликларга дуч келмоқдалар. Шунинг оқибатида улар ишчи-хизматчиларига ўз вақтида иш ҳақи бера олмайдилар. Бу масалаларни ҳал этишда маҳаллий ҳокимият ёрдам кўлини чўзиши зарур. Шундагина қишлоқ хўжалигида ҳам тадбиркорлар кўпайиб, тадбиркорлик ривожланиши таъминланади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Ер ва сув ресурсларининг қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти, ер ва сув ресурслари қишлоқ хўжалигининг асосий воситаси эканлиги.
2. Ер ва сувларнинг таркиби, уларни хусусиятлари нималардан иборат?
3. Ер ва сувдан фойдаланиш даражасини ҳамда самарадорлигини қайси кўрсаткичлар ифодалайди?